

“МАРКЕТИНГ” ФАНИНИ ЎҚИТИШДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР ВА ИЛГОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Жуманов Ш.Н. СамДАҚУ, катта ўқитувчи,

Комилова М.Ш. СамДАҚУ, катта ўқитувчи

Ташимов А.Х. СамДАҚУ, докторант

Аннотация. Ушбу мақолада “Маркетинг” фанини ўқитишидаги инновациялар ва илгор педагогик технологиялар, муаммоли ўқитиши методи ва кейс-стадиларни фанини ўқитишида аҳамияти бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Маркетинг, инновация, коммуникация, илгор педагогик технология, таълим тарбия.

ЗНАЧЕНИЕ ИННОВАЦИЙ И ПЕРЕДОВЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ОБУЧЕНИИ «МАРКЕТИНГУ».

Джуманов Ш.Н. СамДАҚУ, старший преподаватель,

Комилова М.Ш. СамДАҚУ, старший преподаватель

Ташимов А.Х. СамДАҚУ, докторант

Аннотация. В данной статье разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации о значении инновационных и передовых педагогических технологий, проблемных методов обучения и кейсов в обучении дисциплины «Маркетинг».

Ключевые слова: Маркетинг, инновация, коммуникация, передовые педагогические технологии, образование и обучение.

THE IMPORTANCE OF INNOVATIONS AND ADVANCED PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN MARKETING SCIENCE TEACHING

Jumanov Sh.N. SamDAQU, senior teacher,

Komilova M.Sh. SamDAQU, senior teacher

Tashimov A.Kh. SamDAQU, doctoral student

Annotation. This article has developed evidence-based proposals and recommendations on the importance of innovative and advanced pedagogical

technologies, problematic teaching methods and cases in teaching the discipline "Marketing".

Keywords: Marketing, innovation, communication, advanced pedagogical technologies, education and training.

Бугунги кунда амалга ошаётган глобал ўзгаришлар таълим ва тарбия соҳасига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бу бир томондан, глобал ўзгаришларни объектив жараён сифатида инсон ҳаёти соҳаларига таъсирини холисона ўрганишни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида “Таълим тўғрисида”ги Конун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди, Кадрлар тайёрлаш миллий модели ишлаб чиқилиб, янгича дунёқараш, ғоя ва мафкуралар ҳилма-хиллигига асослангани шахснинг таълим даражаси ва салоҳиятини оширишга, мустақил фикрлайдиган, ижодий ёндошув маданиятига эга бўлган, янги авлод кадрларини тайёрлаш таълим-тарбия соҳасида муҳим ўрин тутади.

“Маркетинг” фани кенг қиррали олий маълумотли замонавий рақобатбардош иқтисодчиларни шакллантирадиган асосий мутахассислик фанларидан бири ҳисобланади. “Маркетинг” фанини ўрганиш ҳамда ўқитиш имкониятларини қўриб чиқиш биланоқ, биз бир қанча муаммоларга дуч келамиз. Жумладан, «Маркетинг» фани ривожланган мамлакатларда қай даражада ўрганилаётган бўлса, шундай қабул қилишга уриниб кўрамиз. Табиийки у ҳолда, биз турли тўсикларга дуч келамиз. Дарҳақиқат, иқтисодиётимиз, салоҳиятимиз ҳамда шароитларимиз ҳали маркетингни у даражада қабул қила олмайди. Чунки, Ўзбекистонда бозор муносабатлари сўнгги даврларда ривожлана бошлади. Шунинг учун ҳам биз «Маркетинг» фани ривожланишининг бошланғич босқичларига кўпроқ эътибор қаратиб, унинг шундай босқичларини топишимиз керакки, улар мамлакатимиз иқтисодий фаолияти даражасига кўпроқ жавоб берсин.

Хозирги вақтда инновацион иқтисодиёт ҳар бир мамлакатда алоҳида ўзига хос ўринга эга бўлган ҳолда ўша мамлакатнинг иқтисодиётини

юксалтириши ва ўз навбатида бу мамлакатни жаҳон ҳамжамиятида алоҳида юқори ўринни эгаллаши учун хизмат қиласи, деган фикрни қўрқмай ўртага ташлашимиз ва таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Бугун инновация тушунчаси жуда кенг миқёсда талқин қилинмоқда.

Инновация сўзи инглиз тилидаги “innovation” сўзидан олинган бўлиб, янгилик, янгилик киритиш деган маъноларни англатади.

Шу ўринда ўрганилаётган тушунчанинг Оксфорд изоҳли луғатида келтирилган талқинини ҳам эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Унда «инновация» «товарни ишлаб чиқариш ёки сотиш, конструкциялашга бўлган янги ёндашув», деб изоҳланади. Инновацияларни қўллаш натижасида новатор ёки унинг компанияси рақобатчиларга нисбатан устунликка эга бўлади.

«Инновация» атамасининг замонавий талқини машҳур иқтисодчи олим Ёзеф Алоиз Шумпетер (J.A. Schumpeter)га тегишли. Унинг фикрича, инновация – бу янги материаллар ва компонентлардан фойдаланиш, янги жараёнларни жорий этиш, янги бозорларни очиш, янги ташкилий шаклларни жорий этишга асосланган барча янги комбинацияларнинг янгидан қўшилиши ва тижоратлашувидан иборат бўлган ишлаб чиқариш функциясининг тубдан алмашинувидир.

Инновацион иқтисодиётда асосий эътибор юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш, илм талаб технологиялар ва инсон фаолиятининг турли соҳаларини инновацион ташкил этиш, иқтисодиётда инновацион тизимни шакллантириш, компьютер технологиялари ва телекоммуникация тизимларига қаратилади.

Хозирги даврда таълим самарадорлигини ошириш, мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ривожлантириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли

йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланди.

Олий таълим тизимини модернизациялаш (ингл. modern – янгиланган, замонавий, текор ўсиш) таълим жараёнига нисбатан инновацион ёндашувни талаб этади.

Шу қаторда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонида раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари сифатида куйидагилар белгиланди:

- олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг педагогик ва касб даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадкиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш;

- юқори самарали замонавий таълим ва инновация технологияларини, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда, олий ўқув юртларининг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича малака талаблари, ўқув режалари, дастур ва услубларини тубдан янгилаш;

- олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши;

- олий ўқув юртлари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий фаолиятини муттасил ошириб бориши учун кенг фойдаланиш.¹

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. 2015 йил, 12 июн, ПФ-4732 сон. www.lex.uz

Ушбу Фармонда белгиланган йўналишларни таҳлил қилганимизда инновациялар, илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва ахборот-коммуникация технологияларини, чет тилини амалий ўзлаштириш орқали ўқув ва илмий фаолиятда кенг фойдаланишга ва бунинг натижасида жаҳонда рақобатдош, келажакда талабга жавоб берадиган миллий кадрларни тайёрлашга пойдевор яратиш сифатида олдиндан кўра билиб, оқилона сиёsat юргизилганлигига яна бир бор тан бермасликнинг иложи йўқ.

Маркетинг фанини ўқитишида илғор педагогик технологияларни методи сифатида муаммоли ўқитиши методини қўллаш самарали таъсир кўрсатади деб ҳисоблаймиз.

Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамdir.

Шунингдек “Маркетинг” фанини ўқитишида ўқув органайзерлари ҳисобланган “Инсерт жадвали”, “Кластер”, “ББхБ жадвали”, “Ақлий хужум”, “Нилуфар гули” ва лойиҳалаш усулларидан, ҳамда ўқув машғулотларида компьютер дастурлар, презентациялар, мультимедиа таълим воситаларидан, интернет маълумотларидан фойдаланиш дарс сифатини оширишга амалий ёрдам кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. 2015 йил, 12 июн, ПФ-4732 сон. www.lex.uz
2. М. Хошимова, Д.Файзуллаева. “Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар” модули бўйича ЎЎМ., БИММ, 2015 й.
3. Буриев Х.Т., Усмонов И.А., Комилова М.Ш.. Маркетинг. Дарслик. -Т.: СамДАҚУ, 2022.-256 б.

4. Х.Т.Буриев М.Ш.Комилова Курилишда менежмент. Дарслик. СамДАҚУ, 2022.-276 b.